

11.08 2005  
СОЛТ 14 15  
1111 1111 1111  
1111 1111 1111  
1111 1111 1111  
1111 1111 1111  
1111 1111 1111  
1111 1111 1111

Фаргона вилояти Жиноят ишлари буйича суди раиси Б.Исломовга

Нухаси: Узбекистон Республикаси Олий суди рахбариятига

Нухаси: Узбекистон Республикаси Бош прокурорига

Нухаси: Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга

Нухаси: Россия Федератив Республикаси Президенти Владимир Путинга

Нухаси: Узбекистонда фаолият юритаётган барча халқаро ташқи лотларга, халқаро матбуотларга

Нухаси: Химоячиларим Муътабар Тожибоева, Содикжон Кироновларга

1996 йил 1 июлдан бошлаб Россия Федератив Республикаси фуқаролигини қабул қилган Песков вилояти Новосokolьнический район Раменье кишлоғида расмий руйхатда турувчи, 1994 йилдан буён Кукош туманлараро рухий касалликлар шифохонасида руйхатда турувчи, Кукош шаҳар тергов хибхонаси махбуси Каххоров Одилдан

## НАЗОРАТ ТАРТИБИДА АРИЗА ВА РАСМИЙ БИЛДИРГИ

Муҳтарам жаноблар ва хонимлар!

Узбекистон Республикасида умуман одил, адолатли, мустақил суд йук. Узбекистон адвокатларининг жуда ҳам қўнчилиги факатгина даллолик Билан, яъни терговчи, судья, прокурорга пора беришда воситачилик қилишни, шунингдек баъзилари эса айбсиз фуқарони тергов талаби деб расмийлаштирилган хужжат Билан «айбланувчи»ни зиммасига сохта айбларни қўйишга қумақлашиб, алдаш йули Билан имзо чектириш мақсадида терговларда қатнашадилар ҳолос.

Ваҳоланки Узбекистон Республикаси ЖПКнинг 49-моддаси 2-қисмига қура жиноят ишида судланувчининг қонуний вакиллари, шунингдек бошқа шахслар химоячи сифатида иштирок этишига терговчининг қарори ва суд ажрими буйича йул қўйилиши мумкинлиги белгиланган.

Узбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрь қўнидаги «Гумон қилинувчи ва айбланувчини химоя ҳуқуқи Билан таъминлашга оид қўнларни қўллаш буйича суд амалиёти тугрисида»ги қарорининг 11-бандида иш буйича химоячи сифатида қатнашиши мумкин булган «бошқа шахслар» деганда айбланувчи томонидан химоячи сифатида ишга қиритилиши суралаётган шахс тушунилиши ва ишда химоячи сифатида иштирок этишига рўхсат этилган шахсга суд томонидан ажрим шаклида ёзма хужжат берилиш ва ажримда химоячининг УзР ЖПКнинг 53-моддасида назарда тутилган ҳуқук ва мажбуриятлари тушунтирилиши белгиланган.

Узбекистон Республикаси ЖПКнинг 53-моддасида белгиланганидек:

**«Химоячи»:**

- манфаатларини химоя қилаётган шахснинг нимада гумон қилинаётганлиги ёки айбланаётганини билиши:

- ишда иштирок этиши учун узига ижозат берилгани тугрисида суринштирув, дастлабки т ергов органлари ва суддан ёзма равишда тасдиқ талаб қилиши:

- гумон қилинувчи сурок қилинаётганда иштирок этиши, шахсга айблов эълон қилинаётганда ҳозир булиши ҳамда айбланувчи сурок қилинаётганда, шунингдек уларнинг иштирокида утказиладиган бошқа тергов ҳаракатларида катнашини ва гумон қилинувчига, айбланувчига, гувоҳларга, экспертлар, мутахассисларга саволлар бериши:

- суринштирувчи ёки терговчининг рухсати Билан бошқа тергов ҳаракатлари юргизиладиганда иштирок этиши:

- узи катнашган тергов ҳаракатларининг юритилиши ҳусусида ёзма мулоҳазалар бериши:

- илтимосномалар бериши ва рад этиши:

- далиллар такдим қилиши:

- давлат органлари, фуқароларнинг узини-узи бошқариши органлари, корхоналар, муассасалар ва ташиқлотлардан ҳамда жамоат бирлашмаларидан химояни амалга ошириши учун зарур булган маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатлар сураб олиши:

- гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокида утказилган процессуал ҳаракатларга оид ҳужжатлар Билан, дастлабки тергов тамом булгандан кейин эса, эжиноят ишига доир барча материаллар Билан танишини ва улардан керакли маълумотларни ёзиб олиши:

- агар химояни амалга ошириши зарурияти таказо этса, давлат сирлари, тижорат сирин ёки бошқа сир ҳисобланган маълумот Билан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда танишини:

- ишнинг суддаги муҳокамасида тараф сифатида иштирок этиши:

- суринштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириши:

- суд мажлисининг баённомаси Билан танишини ва у ҳақда уз мулоҳазаларини билдириши:

- иш буйича келтирилган шикоятлар, протестлардан хабардор булган ва уларга нисбатан эътирозлар билдириши:

- апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суди мажлисларида иштирок этиши ҳуқуқига эгадир.

Айбланувчи ёки судланувчи қамокда булса, химоячи у Билан холи учрашишга ҳақлидир. Бунда учрашувлар сони ва давом этиши вақти чегараланмайди.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон республикаси Олий Мажлисида муҳокама қилиниб, тасдиқланган ва Ислоҳ Каримов томонидан имзо чекилган Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал кодексининг 49 ва 53-моддаларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрь кундаги «Гумон қилинувчи ва айбланувчини химоя ҳуқуқи Билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш буйича суд амалиёти тугрисида»ги қарорига амал қилиб Учкуприк туман эжиноят ишлари судида чиқарилган гайриқонуний ҳукмини бекор қилиб, ишни қушимча терговга юборишини сураб апелляция тартибида шикоят ёздим. Шу Билан биргаликда апелляция тартибида қуриши эсараёнида узимни иштирок этишимни қатъий талаб қилгандим. Мени ёзган апелляция шикоятимни узимни иштирокчимсиз, химоячиларимсиз, энг асосийси «Утюралар» клуби номли инсон ҳуқуқларини химоя қилиш ташиқлоти раҳбари, мустақил

журналист, Инсон ҳуқуқларини химоя қилиши халқаро ташкилоти аъзоси Муътабар Тоъсибоевнинг ишнни мени иштирокимсиз қурмасликни, адвокатимни касаллиги учун ҳам ишнни бошқа қўнға қолдиришни сураб ёзган аризаларини инобатға олмасдан қонунни оёқ ости қилинди.

Менга қўйилган айблар сохта эканлигини, мен ҳеч қандай жиноят содир этмаганлигимни узларингиз жуда ҳам яхши биласизлар. Мени Фарғона вилояти Миллий хавфсизлик хизмати бошкармаси Қўқон булимни ходими Эркин Боймирзаевга МХХ Қўва туман булимни ходими Аваз Махмудов воситачилигида 1000 АҚШ доллари порани бераётган пайтимда ушлашган. Бу иш мени Республика ММХ қўмитаси раҳбарларининг қабулига 2001 йилда кириб Аваз Махмудов ва Эркин Боймирзаевларни мендан 3000 АҚШ доллари пул беришимни, акс холда каматиб юборишларини айтиб тинимсиз қилган тайзиклари туфайли уларга нисбатан қонуний чора қўришни сураб ёзган аризам туфайли амалга оширилган эди.

Пора бериши операциясини Республика ММХ қўмитаси раҳбарларининг топиширигига асосан Фарғона вилоят ММХ бошкармаси раҳбар ходими Каххоров Сайдулло орқали амалга оширилган ва Ифтихор исмли ходим 1000 АҚШ долларини пора тариқасида беришим учун махсус дорилаб берган. Шунингдек мени белимга махсус овоз ёзиши апаратыни жойлашди, операцияга МХХ ходимлари жалб қилинди. Уша вақтда Қўва МХХ булимнида ишловчи Махмудов Аваз Қўва шаҳар Қўва мебел олдидан мендан порани олаётган пайтида қўлга олинди. Бу пайтда Каххоров Сайдулло, Ифтихор ва бошқа ходимлар бор эди. Барча ҳужжатлар ҳолислар, гувоҳлар иштирокида расмийлаштирилди.

Лекин ҳеч қандай тергов ҳаракатлари утқазилмади, порахурларга ҳеч қандай қонуний чора қўрилмади. Шундан сўнғ мен Ушбу иш буйича қонуний яқун топишига Амалий ёрдам беришни сураб Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига, Ўзбекистон Республикаси Президентига, Россия элчихонасига, Республика Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқларини химоя қилиши қўмитасига, Республика МХХ қўмитасига тинимсиз равишда ёзма равишда аризалар ёзиб, буюртма хатлар орқали юборавердим. Лекин ҳеч қандай натижа бўлмади.

Ўзбекистонни Миллий Хавфсизлигини сақлаши керак бўлган тизимдаги порахурликларга Қарши қўрашганлигим учун узок муддатларга ҳукм қилиндим. Қонуний ҳуқуқим бўлган апелляция тартибида қўрилиши пайтида МХХ идора вакилларининг сохта айбловлари, уйимга қўйилган милтикни қўрилиши бўлаётган чала иморатимдан олиши операцияси фош бўлиб қўлишидан қўркиб, узимнинг иштирокимсиз гайриқонуний ажрим чиқарилган.

Чўнки мени 28 июнь қўни қўндуз соат 15-ларда уйимдан узокда ушлашган. Мен қўлга олинган пайтимда қўрол турини мўмкин бўлган жойда 6 нафар қўрилиши усталари уша жойда ишлашган. Лекин улар ҳеч қандай қўролни қўрмаганлар. Кечаси 22ларда утқазилган тинтув пайтида эса умуман ҳеч ёритини чирогни бўлмаган ташқари қўчага қўкиши қўчадан қўриши бемалол бўлган қўрилиши бўлаётган жойдан аввал биринчи қўрган 2 та ходим қўриб ҳеч нарса топа олмадик деб қўкишиган, кейин МХХ терговчиси Сайидаъзам Боймуродов тақроран қўронгиликка ёлғиз узи, ҳолисларсиз, гувоҳларсиз қўриб милтикни қўтариб қўккан ва ҳолисе сифатида утаётган маҳала қўсбони ва қўшинимиз Дилфузахонга қўринлар қўрол турган жойини қўрсатаман деб кейин уларни олиб қўриб қўрук жойини қўрсатган.

Ёзай десам хали эюда гап кун. Шунинг учун Учкуррик тутман эсиноят ишлари судининг 5 январь кунги хукмини бекор килишни сураб ёзган апелляция ишкюятимни, адвокатларимни, химоячиларим Муътабар Тоъсибоева ва Содикэсон Кироновларни апелляция ишкюятларини каноатлантормасдан колдириши хакидаги апелляция ишкюятларини каноатлантормасдан колдириши хакидаги эсиноят ишлари буйича Фаргона вилоят суди апелляция судлов хайъатининг 2005 йил 7 февраль кунги чикарган ажримни гайриконуний эсанлиги боис узимни, адвокатларимни, химоячиларим Муътабар Тоъсибоевани, Содикэсон Кироновларни иштирокида назорат тартибида зудлик Билан куриб Ушбу ажримни бекор килиб ишни янгитдан куришга юборишингизни катъий талаб киламан. Мени айбсизлигимни исботловчи барча хужжатлар химоячиларим Муътабар Тоъсибоева ва Содикэсон Кироновлар кулида бор.

Ушбу талабим баъсарилмагунча 11 февраль кунидан бошлаб Узбекистонни коррупция бошкарёйтганлиги туфайли уз фукаросини химоя килишини талаб килиб Россия Президенти Владимир Путинни мени муаммом Билан кизикиб, Россия хукуматидан махсус вакил эюнастмагунча, мен у Билан химоячилари Муътабар Тоъсибоева ва Содикэсон Кироновлар иштирокида учрашмагунимча расман очлик эълон киламан. Узбекистоннинг хибсхоналарида ётган, адолатсизлик курбони булган бошка махбусларни хам уз хукукларини химоя килиши учун очлик эълон килишга чакираман. Очлик эълон килиб адолатсизликка чек куйилмагунча бардам булинглар азиз биродарлар.

Махбус: *(Signature)*

Одил Каъхоров.

10 февраль 2005 йил. 11

Илова: *(Signature)*